

**ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.31.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

АЛИЕВА ТОХИРАХОН АВАЗХОНОВНА

**СУРУНКАЛИ ЮРАК ЕТИШМОВЧИЛИГИ БИЛАН ХАСТАЛАНГАН
БЕМОРЛАРДА НЕЙРОГУМОРАЛ БУЗИЛИШЛАР ВА БЕТА-
АДРЕНОРЕЦЕПТОРЛАР ГЕНИ ПОЛИМОРФИЗМИНИНГ КЛИНИК-
ПРОГНОСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.06 – Кардиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
медицинским наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctoral Philosophy (PhD) on
Medical Science**

Алиева Тохирахон Авазхоновна

Сурункали юрак етишмовчилиги билан хасталанган беморларда
нейрогуморал бузилишлар ва бета-адренорецепторлар гени
полиморфизмининг клиник-прогностик хусусиятлари.....5

Алиева Тохирахон Авазхоновна

Клинико-прогностические особенности нейрогуморальных
нарушений и полиморфизма гена бета-адренорецепторов у больных
хронической сердечной недостаточностью 17

Alieva Tohirahon Avazhonovna

Clinical and prognostic aspects of neuroendocrine disorders and
polymorphism gene of the beta-adrenoreceptors in patients with chronic
heart failure31

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works35

**ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.31.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

АЛИЕВА ТОХИРАХОН АВАЗХОНОВНА

**СУРУНКАЛИ ЮРАК ЕТИШМОВЧИЛИГИ БИЛАН ХАСТАЛАНГАН
БЕМОРЛАРДА НЕЙРОГУМОРАЛ БУЗИЛИШЛАР ВА БЕТА-
АДРЕНОРЕЦЕПТОРЛАР ГЕНИ ПОЛИМОРФИЗМИНИНГ КЛИНИК-
ПРОГНОСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.06 – Кардиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.PhD /Tib3 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус) веб-саҳифасида (www.tipme.uz) ва «Ziyo Net» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган

Илмий раҳбар:

Камилова Умида Кабировна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Каюмов Улугбек Каримович,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Хамидуллаева Гулноз Абдусатторовна
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Андижон Давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.31.01 рақамли илмий кенгашнинг «__» _____2017 йил соат_____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100007, Тошкент, МирзоУлугбек тумани, Паркент кўчаси, 51 уй. Тел./факс: (+99871) 268-17-44, e-mail: info@tipme.uz).

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси билан Тошкент врачлар малакасини ошириш институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100007, Тошкент, МирзоУлугбек тумани, Паркент кўчаси, 51 уй. Тел.: (+99871) 268-17-44.

Диссертация автореферати 2017 йил «__» _____да тарқатилди.
(2017 йил «__» _____даги _____рақамли реестр баённомаси)

Х. А. Акилов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Н. Н. Убайдуллаева

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий қотиби, т.ф.н., доцент

Р. Д. Курбанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
ҳузуридаги илмий семинар раиси,
т.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг (ЖССТ) маълумотига кўра, кейинги йилларда аҳоли ўртасида юрак - қон томир тизимининг энг кенг тарқалган ва нохуш оқибатларга олиб келувчи касаллиги - сурункали юрак етишмовчилиги (СЮЕ) глобал тиббий муаммолардан бирига айланиб бормоқда. Фремингем тадқиқотлари натижасига кўра касаллик ҳар ўн йилда икки баробарга ошиб бормоқда ва беморлар ҳаёт сифатини кескин ёмонлашиши, ўлим хавфини 4 маротабага ошириши билан ҳам изоҳланади. «Мазкур хасталикдан кўриладиган зарар нафақат госпитализациялар сони ортиши, дори-дармонлар сарфи билан боғлиқ бўлиб, балки беморларда меҳнат қобилияти йўқолиши билан ҳам белгиланади. Шу сабабли жаҳонда юрак-қон томир касалликлари профилактикаси, даволаш ҳамда олдини олиш бўйича миллий дастурлар ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга тадбиқ этиш катта аҳамият касб этмоқда»¹.

Республикамызда мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб инсон саломатлигини асраш, аҳолига сифатли тиббий хизматни ташкил этиш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Аҳоли саломатлигини яхшилашда хавф омилларини эрта аниқлаш орқали юрак - қон томир тизимининг касалликларини олдини олиш, уларни даволашда персоналлашган ёндошувни, ҳамда юқори технологияли усулларни жорий этилиши, жумладан СЮЕни эрта аниқлаш ва унинг ривожланиб кетишини прогнозлаш, ҳамда профилактика қилиш ва самарали даволаш бўйича муайян даражадаги илмий ва амалий ютуқларга эришилмоқда.

Жаҳон миқёсида СЮЕ ривожланиши ва касаллик прогнозини эрта аниқлаш, уни олдини олиш бўйича самарали чора-тадбирлар ишлаб чиқиш тиббиёт соҳасининг олдида турган энг муҳим вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади. СЮЕ келиб чиқишининг патогенезида нейрогуморал омиллар билан бир қаторда β -адренорецепторлар гени полиморфизмига катта эътибор қаратилмоқда ва касаллик клиник белгиларини эрта аниқлаш, даволаш ва прогнозлашни янада мақбуллаштиришни талаб этмоқда. Аниқланишича, СЮЕ бўлган беморларда β -адренорецепторлар (ADRB1) гени Arg389Gly полиморфизми ролини аниқлаш мазкур касалликни эрта ташхиси ва прогнозиди алоҳида аҳамият касб этади. СЮЕда юрак ремоделланиш жараёнини нейрогуморал ва генетик омиллар аҳамияти билан ўзаро боғлиқлигини аниқлашга йўналтирилган комплекс изланишларни олиб бориш, шунингдек, СЮЕ оқибатида юзага келадиган бузилишларнинг босқичли эрта ташхисот мезонларини янада такомиллаштириш бугунги кунда долзарб масалалардан бири бўлиб ҳисобланади.

¹Арутюнов А. Г., Драгунов Д. О., Арутюнов Г. П. и др. Влияние основных факторов риска у пациентов на прогноз при декомпенсации сердечной недостаточности // Кардиология. -2014. - №12. - С. 37-43; Ambrosy A. P. The global health and economic burden of hospitalizations for heart failure: lessons learned from hospitalized heart failure registries // J. Am. Coll. Cardiol. - 2014. -Vol.63. -P.1123–1133 .

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 сентябрдаги ПФ –3923-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги» Фармони ва 2011 йил 28 ноябрдаги ПҚ – 1652-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги ПҚ -3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қатор хорижлик олимлар томонидан СЮЕ муаммоси юзасидан илмий изланишлар амалга оширилган (Е. К.Theofilogiannakos, С. М.О'Connor, Т.Насин, Ф. Т. Агеев). Бугунги кунда СЮЕ муаммосига бағишланган кўплаб тадқиқотлар амалга оширилсада, СЮЕ патогенези, ташхиси ва даволашига оид бир қатор масалалар ечими топилмаган. Бу, бир томондан, СЮЕ шаклланиш механизмларининг тўлиқ аниқланмаганига, бошқа томондан, эрта ташхислашнинг объектив қийинчиликлари мавжудлигига боғлиқ (С. А. MacRae, Г. П. Арутюнов).

Етук мутахассис-олимлар (Т. G. Yandle, R. W. Troughton, F. Triposkiadis, G. Karayannis, Ю. Н. Беленков) фикрларига кўра, СЮЕ ривожланиши механизмида адренергик дисбаланс шаклланишига мувофиқлашувчи симпатик-адренал тизимнинг (САТ) сурункали фаоллашувига сабаб бўлувчи патогенетик аспекти етарлича ёритилмаган. СЮЕ ривожланишида нейрогуморал омиллар (D. Y. Zhang, A. S. Anderson) ва юрак-қон томир ремоделланишининг (W. H. Gaasch, D. E. Delorey) роли билан ўзаро боғлиқлиги аниқланмаган. СЮЕ ривожланишини прогнозлаш ва хасталиқни эрта аниқлаш мақсадида жавобгар генлар полиморфизми бўйича янада чуқурроқ тадқиқотлар ўтказилишини талаб қилади (K. Gherbi, L. T. May) В. Ю. Мареев, Ю. Н. Беленков фикрларига кўра, СЮЕ ривожланишини прогнозлаш, эрта ташхисоти, комплекс давоси ва профилактикасини кенг кўламли тиббий амалиётда ўтказиш тавсия этилади ва бу жараёнда хавф омилларининг замонавий аниқлаш усуллари ва профилактик таълим дастурлари тадбиқ этиш долзарб аҳамиятга эга.

Республикада СЮЕ муаммолари бўйича Р. Д. Курбанов, А. Г. Гадаев, Т. А. Абдуллаев, У. К. Камилова ва бошқалар илмий изланиш олиб бормоқда.

Тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, СЮЕ ривожланишининг молекуляр-генетик механизмларини аниқлаш, касалликни кечишини

прогнозлаш ва ривожланиш хавфини баҳолаш, даволаш-реабилитация аспекти ҳозирга қадар мукамал ўрганилмаган, СЮЕ қайд этилган беморларда профилактика тартибини такомиллаштириш масалалари тадқиқ этилмаган.

Диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг 011100158 сонли илмий тадқиқот иши режасига мувофиқ «Ички касалликларни ташхислаш ва даволашни самарадорлигини оширишнинг янги йўллари излаш. Профилактиканинг рационал йўллари» мавзусидаги лойихаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади СЮЕли беморларда нейрогуморал механизм хусусиятларини, бета1-адренорецепторлар гени полиморфизмини аниқлаган ҳолда касалликни эрта диагностикасини такомиллаштириш ва клиник-прогностик мезонларини мақбуллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

норадреналин ва аденилатциклаза тизими ҳолатини баҳолаш ва уларнинг СЮЕ клиник хусусиятларидаги ахамиятини аниқлаш;

СЮЕ аниқланган беморларда чап қоринча миокарди ремоделланиши хусусиятлари ва бу жараёнда нейрогуморал кўрсаткичлар вазифасини баҳолаш;

ўзбек миллатига мансуб шахсларда ва СЮЕли беморларда бета-адренорецептор ADRB 1 гени полиморфизмини ўрганиш;

СЮЕли беморларда касаллик клиник кечиш хусусиятларига нейрогуморал тизим кўрсаткичлари ва бета-адренорецепторнинг ADRB1 гени полиморфизми билан боғлиқлигини ўрганиш.

нейрогуморал кўрсаткичлар ва бета-адренорецептор ADRB 1 гени маркерларининг СЮЕ ли беморларда касаллик прогнозидаги ахамиятини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 120 нафар 40дан 60 ёшгача бўлган миокард инфаркти (МИ) ўтказган СЮЕли беморлар олинган. Беморлар СЮЕ функционал синфлари (ФС) бўйича гуруҳларга ажратилган.

Тадқиқотнинг предмети: веноз қон ва қон зардоби, сийдик, беморлар ва соғлом донорларда ДНК геном намунаси.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотни бажаришда клиник, биокимёвий, эхокардиографик, иммунофермент, молекуляр-генетик ва статистик таҳлил текширув усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

СЮЕ ривожланишининг асосий патогенетик – нейрогуморал, адренергик омилларининг касаллик клиник кечишида иштирок этиши даражаси аниқланган;

СЮЕли беморларда норадреналин юқори даражаси ва аденилатциклаз тизим фаоллиги сустлашининг юрак чап қоринчаси қисқарувчанлик қобилияти пасайишига таъсири исботланган;

беморларда хасталикни клиник кечиши нохуш прогнози ривожланиши ва унинг оғирлик даражасини аниқлашда нейрогуморал омиллар юқори даражасининг таъсири исботланган;

бета1-адренорецепторларнинг гени полиморфизмини баҳолаган холда ўзбек миллатига мансуб шахсларда СЮЕ ривожланишини эрта предикторлари аниқланган;

нейрогуморал тизим фаоллиги ошиши ва бета-адренорецепторлар ADRB1 гени полиморфизмини аниқлаш хасталик клиник кечиши хусусиятлари ва зўрайиб бориши, касаллик прогнозининг оғирлик даражасини белгилаши асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

беморларда нейрогуморал омилларни ва юрак ЧҚ дисфункциясини акс эттирувчи кўрсаткичларни ҳисобга олган холда касаллик клиник кечинининг салбий предикторларини эрта аниқлаш алгоритми ишлаб чиқилган;

бета-адренорецепторлар ADRB1 гени полиморфизми кўрсаткичларини аниқлаш натижасида СЮЕ ривожланишини эрта аниқлаш ва прогностлаш алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган тажриба натижалари билан мос келиши, тажриба маълумотлари статистик таҳлил қилинганлиги, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти асосланган хулосалар ва таклифлар заминида олинган маълумотлар СЮЕнинг патогенези механизмлари, нейрогуморал, бета1-адренергик рецепторлар гени полиморфизми касаллик ривожланишининг эрта предикторлари фаоллашуви билан изоҳланади.

Тадқиқотлар натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган ташхислаш жараёнини тадбиқ этиш билан СЮЕни эрта аниқлаш ва прогностлашни оптимиллаштириш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. СЮЕни эрта аниқлаш ва прогностлаш бўйича олинган натижалар асосида:

Миокард инфарктини ўтказган беморларда нейрогуморал маркерларнинг прогноз аҳамиятини баҳолаш ва сурункали юрак етишмовчилиги билан хасталанган беморларда прогнозни аниқлаш учун дастур ишлаб чиқилган, ҳамда нейрогуморал тизим ҳолатини баҳолаш орқали СЮЕни эрта аниқлаш, зўрайишини олдини олиш имкони яратилиб, Республика терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази, Тошкент вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази, Тошкент шаҳар 1 ва 7-сон клиник шифохоналари амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 14 февралдаги 8Н-з/9-сон маълумотномаси). Амалиётга жорий қилинган тавсиялар натижасида СЮЕни эрта ташхислаш,

касаллик клиник кечишини ва прогнозини яхшилаш, беморларни шифохонага қайта ётқизилишини 14 фоизга ва касаллик асоратларини 26 фоизга камайтириш имкониятлари яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 8 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш: шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларни асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда ва 2 та мақола хорижий конференция материалларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 117 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Сурункали юрак етишмовчилигида нейрогуморал тизим холати ва генетик омиллар ўрни**» деб номланган биринчи бобида СЮЕ патогенезида нейрогуморал тизим холати, унда катехоламинлар, аденилациклаз тизим холати ва бета адренорецепторларнинг генетик полиморфизми аҳамияти ёритилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқотнинг материаллари ва клиник-функционал, биокимёвий, молекуляр-генетик текшириш усуллари**» деб номланган иккинчи бобида қўлланилган материал ва тадқиқот олиб бориш услублари, фойдаланилган усуллар, шунингдек, олинган маълумотларни қайта ишлашда қўлланилган статистик усуллар келтирилган.

СЮЕ билан хасталанган 40-60 ёшдаги (уларнинг ўртача ёши $53,3 \pm 4,9$ га тенг) 120 нафар эркак беморлар текширувдан ўтказилган. Текширувга 6 ойдан 3 йилгача бўлган муддатда миокард инфаркти (МИ) ўтказган беморлар жалб этилди. Барча беморлар ТТА 1-клиникаси кардиология бўлимида стационар даво олган ва консултатив поликлиникада ҳисобда турган.

Беморлар олти минутли юриш синамаси (ОЮС) ва кардиологларнинг Нью-Йорк Ассоциацияси таснифига асосан СЮЕ ФС бўйича гуруҳларга бўлиб ўрганилган: I ФС гуруҳини 27 нафар, II ФС гуруҳини 44 ва III ФС гуруҳини 49 нафар беморлар ташкил этди. Олинган натижаларни қиёслаш

учун жинси, ёши бўйича асосий гуруҳ билан таққослаш мумкин бўлган 31 нафар соғлом киши (назорат гуруҳи) ва молекуляр генетик текширишлар ўтказиш учун 75 нафар соғлом киши (назорат гуруҳи) текширувдан ўтказилди. Тадқиқотга ўткир мия қон айланиши бузилиши, қандли диабет, ўпка сурункали обструктив касалликлари, мураккаб ритм бузилишлари, жигар касалликлари мавжуд бўлган беморлар киритилмади.

Барча беморларга электрокардиограмма, клиник, функционал ва биокимёвий текширувлар комплекси ўтказилди. Беморлар клиник ҳолатини баҳолаш ОЮС, В. Ю. Мареев томонидан модифицирланган клиник ҳолатни баҳолаш шкаласи (КХБШ) бўйича ўрганилди. Юрак ремоделлашуви жараёнлари эхокардиография (ЭхоКГ) ва доплерография усуллари орқали баҳоланди. Норадреналин (НА) миқдори қон плазмасида аниқланди (РИТ ва ТР ИАТМ юқори технологиялар лабораториясида). Аденилатциклаза тизими кўрсаткичи 120 нафар беморда биокимёвий усул билан ўрганилди (МИТЛ, ТТА). Молекуляр-генетик текширув - бета-адренорецепторнинг ADRB1 гени полиморфизми ўзбек миллатига мансуб СЮЕли 120 нафар беморда ва 75 соғлом донорларда ООО «Медлаб» (Санкт-Петербург)» ва «Литех» (Москва) тўпламларидан фойдаланиб, ишлаб чиқарувчилар қўлланмасига мувофиқ CG-1-96 «Corbett Research» (Австралия) ва 2720 «Applied Biosystems» (АҚШ) дастурланган термоциклерларда полимераз занжир реакцияси усулида ўрганилди (Гематология ИТИ, молекуляр тиббиёт ва хужайра технологияси бўлими). Прогноздаги якуний нукталар 1 йилдан кейин қуйидаги кўрсаткичлар бўйича ўрганилди: қайта госпитализация, такрор фатал ва нофатал МИ ривожланиши, шунингдек ўлим кўрсаткичи.

Қуйидаги дори воситалари стандарт терапияни ташкил этди: 91% беморлар ангиотензин айлантурувчи фермент ингибиторлари (ААФИ), 9% беморлар – ангиотензин рецепторлари антагонистлари (АРА), 100% беморлар - бета адреноблокаторлар, 57% беморлар - диуретик, 56% беморлар - спиронолактон, 97% беморлар - аспирин, 31% беморлар нитратлар ва 96% беморлар статинлар қабул қилишган.

Тадқиқотлар натижасида олинган маълумотлар статистик ишлов функциялари киритилган Microsoft Office Excel-2012 дастурий пакети ёрдамида Pentium-IV шахсий компьютерида статистик ишланди. Ўрганилаётган кўрсаткичнинг ўртача арифметик қиймати (M), ўртача квадратик силжиш (σ), ўртача қийматнинг стандарт хатоси (m), нисбий кўрсаткичлар (частота, %)ни ҳисоблаш билан параметрик ва нопараметрик вариацион статистика усулларидан фойдаланилди. Ўртача қийматларни қийслаш натижасида олинган кўрсаткичларнинг статистик аҳамияти хато эҳтимоли (P)ни ва бош дисперсиялар тенглиги (F - Фишер мезони)ни ҳисоблаган ҳолда Стьюдент (t) мезони бўйича аниқланди. Ишончилилик даражаси $P < 0,05$ га тенг кўрсаткичлар статистик аҳамиятли ўзгаришлар сифатида қабул қилинди. Сифатий қийматлар учун статистик аҳамият χ^2 мезон (хи-квадрат) ва z-мезон (Гланц) ёрдамида ҳисобланди. Белгиларнинг

ўзаро боғлиқлигини таҳлил қилиш учун Пирсоннинг жуфтлик корреляцияси коэффиценти (r) ҳисобланди.


Диссертациянинг «СЮЕ бор беморларда нейрогуморал омилларни ва юрак систолик функциясини баҳолаш» деб номланган учинчи бобида СЮЕли беморлар клиник ҳолати ўрганиш натижалари, симпатик-адренал тизими ҳолати ва юрак систолик функциясини баҳоловчи кўрсаткичлар баён этилган.

Текширилган беморларда уларнинг жисмоний юкламага толерантлигини ОЮС натижаларига асосланиб ўтказилган таҳлил кўрсатдики, СЮЕ I ФС мавжудлигида ушбу параметр $485,7 \pm 52,45$ метрга тенг бўлди. Беморларда СЮЕ II ва III ФС мавжудлигида эса - уларнинг жисмоний юкламага толерантлиги пасайган бўлиб, мос равишда $346,4 \pm 47,78$ ва $192,3 \pm 42,65$ метрга тенг бўлди. Бу СЮЕ I ФС беморлар ОЮС натижаларига нисбатан 28,7% ва 60% га пасайганлигидан далолат берди.

Беморлар клиник ҳолатини баҳолашни КХБШ асосида, балларни жамлаш йўли билан ўтказилди. СЮЕ I ФС бор беморларда КХБШнинг дастлабки кўрсаткичлари $3,0 \pm 0,79$ баллга тенг бўлди. СЮЕ II ФС бор беморларда уларнинг клиник ҳолатлари ёмонлашгани КХБШ кўрсаткичларининг СЮЕ I ФС бор беморларга нисбатан 73%га ошгани ($P < 0,05$) кузатилди ва $5,2 \pm 1,02$ баллга тенг бўлди. СЮЕ III ФС бор беморларда эса мазкур кўрсаткич - $8,3 \pm 0,75$ баллга ($P < 0,001$) тенг бўлиб, СЮЕ I ФСли беморлар КХБШ кўрсаткичларига нисбатан 2,5 баробарга кўп бўлди.

Олинган натижалар таҳлили кўрсатишича, СЮЕ билан хасталанган беморларда САТ фаоллашиши бир қатор нейрогуморал омиллар ўзгариши билан кечди. НА фаоллиги даражасини ўрганилганда, унинг СЮЕ I ФС беморларида $643,9 \pm 17,84$ пг/млни ташкил этганлиги ва бу назорат гуруҳи кўрсаткичига ($446 \pm 9,27$ пг/мл) нисбатан 1,4 баробар юқори эканлиги аниқланди: Ушбу кўрсаткич II ФС беморларида $820,8 \pm 17,42$ пг/мл га тенг бўлиб, ФС I беморларига нисбатан 27,5% га баландлиги аниқланди. СЮЕ III ФС беморларида НА даражаси $1057,3 \pm 20,34$ пг/мл бўлиб, назорат гуруҳидагидан 2,4 ($P < 0,001$) ва СЮЕ ФС I бор беморлардагидан 1,6 баробарга ($P < 0,01$) ортиқлиги маълум бўлди (расм.1).

Бу ҳолат НА, адреналин (А) ва дофаминнинг (ДА) сийдикдаги суткалик экскрециялари натижалари таҳлилида ҳам тасдиқланди. Унга кўра СЮЕ I ФС бор беморларда норадреналиннинг суткалик экскрецияси назорат гуруҳидагидан 15 % га, А экскрецияси эса 12 % га баландлиги ($p < 0,05$) кузатилди. Шу билан бирга ДА миқдори 18% га камайган эди. СЮЕ II ФС беморларида эса НА миқдори назорат гуруҳидагидан 1,4 (28,35%) ва А даражаси 1,3 (20,2%) баробарга баландлиги кузатилди ($P < 0,05$). ДА миқдори 22%га камайди. СЮЕ III ФС беморларда ушбу кўрсаткичлар назорат гуруҳидагидан мос равишда 31,4 ва 28,6% га баланд бўлиб ($P < 0,01$), ДА даражасининг 34%га камайиши ($P < 0,01$) билан кечди.



Изох: I ФС кўрсаткичларига нисбатан дастлабкidan ишончли фарқланиши:
 ** - $P < 0,01$

1-расм. I-III ФС СЮЕ билан беморларда НА кўрсаткичлари

Аденилатциклаз тизими фаоллигини тадқиқ қилиш натижалари кўрсатишича СЮЕ I ФС беморларида аденилатциклаза фаоллигининг кўрсаткичлари $5,3 \pm 0,05$ пмоль/мг/дақ.га тенг бўлиб, соғлом кишилар гуруҳидагидан ($6,1 \pm 0,19$ пмоль/мг/дақ) пастроқ бўлди. СЮЕ II ФС беморларида эса аденилатциклаза фаоллиги кўрсаткичи нормадагидан 1,5 баравар камайган бўлиб, $4,4 \pm 0,22$ пмоль/мг/дақ.ни ташкил этди ($P < 0,05$). СЮЕ III ФС беморларида аденилатциклаза кўрсаткичи $3,5 \pm 0,22$ пмоль/мг/дақ.га тенг бўлиб, назорат гуруҳидагидан 41,6% га паст бўлгани кузатилди ($P < 0,01$).

Назорат гуруҳидаги кишиларда, адреналин билан таъсир этилганда, аденилатциклаза фаоллигининг унинг базал даражасига қараганда 2 баробарга - $6,1 \pm 0,19$ дан $11,3 \pm 0,5$ пмоль/мг/дақ.га кўтарилиши кузатилди ($P < 0,001$). СЮЕ I ФС беморларда адреналин таъсиридан ўзгарувчи аденилатциклазанинг фаоллиги $6,6 \pm 0,25$ пмоль/мг/дақ.га тенглиги холда, соғлом кишилар гуруҳидагидан 41,6%га паст бўлди ($P < 0,01$). Адреналин таъсиридан ўзгарувчи аденилатциклаза фаоллигининг СЮЕ II ФС беморларида назорат гуруҳидагидан 2 баробарга пастлиги кузатилди ва $5,1 \pm 0,50$ пмоль/мг/дақ.га тенг бўлди. СЮЕ ФС III бор беморларда адреналин таъсиридан ўзгарувчи аденилатциклаза фаоллигининг $3,8 \pm 0,27$ пмоль/мг/дақ даражаси кузатилди ва назорат гуруҳидагидан 65,9% га паст ($P < 0,01$), СЮЕ II ФС беморлар кўрсаткичидан эса 25,5%га паст бўлди.

Олинган маълумотлар тахлили шуни кўрсатдики, ихтиёрий жалб этилган соғломларда адреналин таъсиридан ўзгарувчи аденилатциклазанинг фаоллиги 1,8 баробар ортиб, бу юксалиш 85%га тенг бўлди. II СЮЕ ФС бор беморларда бу кўрсаткич 1,3 га тенг бўлиб, юксалиш 30%ни ташкил этди. СЮЕ III ФС беморларида адреналин таъсиридан ўзгарувчи аденилатциклазанинг фаоллиги базал фаолликдан 1,1 баробарга юқори бўлиб, СЮЕ бор беморлардаги аденилатциклаз тизими десентитизациясидан

далолат беради. Корреляцион таҳлил ўтказилганида аниқланишича, қондаги НА миқдори билан аденилатциклаз тизими фаоллиги ўртасида тескари боғлиқлик мавжуд экан ($r = -0,54$, $p = 0,000$).

Шундай қилиб, СЮЕ бор беморларда НА миқдорининг ошиши аденилатциклаз тизими десентитизациясининг ортиши билан кечади ва бу ҳолат СЮЕ III ФС беморларида кўпроқ намоён бўлди.

Беморларда чап қоринча ремоделлашуви жараёни кўрсаткичларини ўрганиш аниқладик, текширилган беморларда СЮЕнинг илк босқичларида якуний-систолик ва якуний-диастолик ўлчамларнинг (ЯСЎ, ЯДЎ), якуний-систолик ва якуний-диастолик ҳажмларнинг (ЯСХ, ЯДХ) нормал кўрсаткичларга қараганда, ишончли тарзда бўлмаган катталашуви кузатилди. Миокард қисқарувчанлик қобилятини баҳолаш, отилиш фракциясининг (ОФ) ФС I беморларда $58,9 \pm 3,4\%$ га тенг эканлигини аниқлади.

СЮЕ зўрайиб боргани сари СЮЕ II ФС беморларида миокард қисқарувчанлик қобилятининг пасайиши кузатилди ва I СЮЕ ФС бор беморларга нисбатан ОФ $9,9\%$ га камайди ($P < 0,01$). ЧҚ олд-орқа катталашуви фракциясининг (Fs) $11,8\%$ га ($P < 0,05$) пасайиши аниқланди.

СЮЕ II ФС бор беморларда ЧҚнинг геометрик параметрлари ЯДЎ ва ЯСЎ кўрсаткичларининг СЮЕ I ФС беморларига қараганда мос равишда $14,9\%$ ва $16,4\%$ га ($P < 0,01$) катталашгани билан намоён бўлди. Уларда ЯДХ ва ЯСХ кўрсаткичлари эса СЮЕ I ФС беморларга нисбатан мос равишда $13,9\%$ ($P < 0,05$) ва $19,1\%$ га ($P < 0,01$) катталашгани билан намоён бўлди. ЧҚ деворларига бўлаётган юкломани ақс эттирувчи кўрсаткич бўлмиш - меридианал систолик миокардиал стресс (МС) эса, ЧҚ миокард ичи таранглиги ортиши ҳисобига, СЮЕ II ФС беморларига қараганда, $22,4\%$ га ($P < 0,01$) кўп бўлди.

СЮЕ III ФС бор беморларда касалликнинг кучайиб бориши ЧҚ ўта кучли структуравий қайта қурилиши ва унинг қисқарувчанлик қобилятининг пасайиши билан кечди: СЮЕ I ФС бор беморларга қараганда ЯДЎни $16,6\%$ га ($P < 0,01$) ва ЯСЎнинг $19,5\%$ га ($P < 0,001$) ортгани ҳолда ЧҚ дилатация даражаси ортди. ЯДХ ва ЯСХ кўрсаткичлари, мос равишда, $17,7\%$ ва $23,6\%$ га ортиб ($P < 0,001$), қисқарувчанлик қобилятининг пасайиши билан кузатилди – СЮЕ I ФС бор беморларга қараганда ОФ $17,1\%$ га ($P < 0,001$) ва Fs $22,8\%$ га ($P < 0,01$) камайди. Беморларнинг ушбу гуруҳида узунасига ўлчанувчи катталикларнинг, СЮЕ I ФС беморларига қараганда, диастолада $3,8\%$ га ($P < 0,05$), систолада эса $4,7\%$ га ($P < 0,001$) ортгани кузатилди. Сўнгги систолик даврда миокард ичи таранглигининг ортганлиги МСнинг кучли даражада ошиши-яъни $36,1\%$ га ($P < 0,001$) тенглиги билан СЮЕ I ФС бор беморларникидан фарқ қилди.

Биз томонимиздан ўрганилган нейрогуморал бошқарув параметрларини ЧҚ ОФ кўрсаткичига боғлиқликда ҳам таҳлилдан ўтказилди. Натижаларга кўра, ЧҚ қисқарувчанлиги қобиляти пасайган беморларда (ЧҚ ОФ $< 40\%$) ЧҚнинг систолик функцияси сақланган беморлар (ФВ ЛЖ $\geq 50\%$) гуруҳига нисбатан, НА миқдорининг ишончли даражада юқорилиги

(1184,1±23,64 пг/мл) ва аденилатциклаза кўрсаткичининг ишончли тарзда паст (3,3±0,12 пмоль/мг/мин) эканлиги аниқланди. Натижалар тахлили яна НА миқдори ва ОФ орасида юқори ($r = -0,70$), ЯДЎ, ЯДХ орасида ўрта ($r = 0,49$; $r = 0,53$) корреляцион боғлиқлик борлигини аниқлади.

Юрак ЧҚси қисқариш кўрсаткичларининг касаллик клиник кечишига боғлиқлигининг тахлили ОФ, Fs ва ОЮС масофаси ($r = 0,71$; $r = 0,47$) кўрсаткичлари орасида тўғри корреляцион боғлиқлик борлигини аниқлади. ОФ кўрсаткичи билан КХБШ кўрсаткичи ўртасида тескари корреляцион боғлиқлик мавжудлиги аниқланди ($r = -0,61$).

Шундай қилиб, СЮЕ бор беморлардаги ЧҚ ремоделлашуви унинг структуравий қайта қурилишига олиб келиб, юрак бўшлиқларининг дилатацияси, деворлари юпқалашуви, миокард қисқарувчанлик қобилятининг пасайиши билан кечади. СЮЕли беморларда НА миқдорининг юқори даражаси ва аденилатциклаз тизим фаоллиги сустлашишининг юрак чап қоринчаси қисқарувчанлик қобиляти пасайишига таъсири аниқланди. СЮЕ кечиши нейрогуморал омиллардан НА миқдори билан боғлиқ бўлиб, бу кўрсаткичнинг юқори даражаси касаллик клиник кечишини оғирлик даражасини ва нохуш прогнозини белгилайди.

Диссертациянинг «СЮЕ ривожланишида **ADRB1** гени полиморфизмининг клиник-прогностик хусусиятлари» деб номланган тўртинчи бобида СЮЕ ривожланишида бета1рецепторлар ADRB1 гени Arg389Gly полиморфизмини иштирокини ўрганиш ва уларнинг клиник-прогностик хусусиятларини баҳолаш натижалари келтирилган.

Тадқиқот натижаларини тахлили кўрсатдики, СЮЕли беморларда Arg389 Gly генотиплари бўлиниши қуйидагича бўлди: Arg/Arg генотип - I ФС гуруҳи беморларида 62,3%ни, II ФС гуруҳ беморларида 58,6% ва III ФС гуруҳ беморларида 71%ни ташкил этди. Arg/Gly генотип I ФС гуруҳи беморларида 40,7%, II ФС гуруҳ беморларида 39,5% ва III ФС гуруҳ беморларида 24,6% ни ташкил этди. Назорат гуруҳида бу кўрсаткичлар қуйидагини ташкил этди - Arg/Arg – 46,5% ва Arg/Gly – 31,2%.

Текширилган гуруҳларда гомозигот Arg389Arg генотип умумий танловда 62,3% ҳолатда (96/154) ва популяцион танловда 46,5% ҳолатда учради ($\chi^2 = 0.2$; $P = 0.6$; $OR = 0.9$; 95%CI 0.56-1.417). Асосий гуруҳда Arg389 аллель 78,9% хромосомада ва популяцион танловда 80,6% ҳолда учради ($P > 0.05$).

Гомозигот ва нохуш аллелли Gly389Gly генотип СЮЕли беморларда 4,5% ва популяцион танлов гуруҳида 3,8% ҳолда учради ($\chi^2 = 0.04$; $P = 0.8$; $OR = 1.1$; 95%CI 0.368-3.415). Нохуш аллель Gly389 21,1% хромосомада СЮЕ билан хасталанган беморларда ва назорат гуруҳида 19,4% хромосомада учраши аниқланди ($\chi^2 = 0.3$; $P = 0.6$; $OR = 1.1$; 95%CI 0.750 - 1.641).

СЮЕ билан хасталанган беморларда ADRB гени Arg389Gly аллель ва генотипларининг касалликнинг ФС га боғлиқ учраши тахлили шуни кўрсатдики, бу полиморфизм касаллик кечишига таъсир кўрсатади. СЮЕ I ФС гуруҳи беморларида 389 Gly аллель (31,5%) ва Gly/Gly генотип (11,1%)

назорат гуруҳига (19,4% ва 3,8%) нисбатан ишончли даражада кўпроқ учради. Бу гуруҳда 389 Gly аллелининг учраши назорат гуруҳига нисбатан 1,9 марта юқорилиги аниқланди ($\chi^2=4.0$; $P=0.04$; $OR=1.9$; 95% CI 1.006, 3.609). Gly/Gly ташувчиларда СЮЕ I ФС ривожланиш хавфи 3,1 марта юқори ($\chi^2=2.6$; $P=0.1$; $OR=3.1$; 95% CI 0.737, 13.43).

СЮЕ билан хасталанган беморларда ADRB1 гени Arg389Gly аллель ва генотибли тахлили яна шуни кўрсатдики, 389Gly аллелининг учраши III ФС гуруҳ беморларида I ФС гуруҳи беморларига нисбатан юқори ($\chi^2=5.2$; $P=0.02$; $OR=2.3$; 95% CI 1.109, 4.758) ва бу “шикастловчи” аллелни касаллик клиник кечишидаги аҳамиятини кўрсатиб беради.

СЮЕ бор беморларда прогнозни баҳолаш бир қатор ўзаро боғлиқ, лекин турли прогностик аҳамиятга эга бўлган омилларни инобатга олишни тақозо қилади. Ўрганилган беморлар гуруҳларида биз прогнозга ҳам баҳо бердик. Унинг натижаларига кўра, бир йил мобайнида такрорий госпитализациялар сони 28 та бўлгани, такрорий МИ (ТМИ)лар сони 25 та бўлгани холда, улардан 18 тасида нофатал МИ (ТНФМИ) ва 7 тасида фатал МИ (ТФМИ) кузатилди. 3 ҳолатдаги ўлим тўсатдан ўлим ҳисобига кузатилди. Такрор фатал МИ ва тўсатдан ўлим СЮЕ III ФС беморларда кўпроқ учради (жадв.1)

СЮЕ ривожланиши хавфи ва салбий прогноз омиллари аниқлашни комплекс баҳолаш учун прогнознинг эрта предикторларини аниқлашни асос қилган холда Байеснинг эҳтимоллик услуби, яъни интенсив кўрсаткичларни нормаллаш услуби танлаб олинди ва бу беморлар учун прогностик матрица ишлаб чиқилди.

1-жадвал

СЮЕда прогноз кўрсаткичларининг тавсифи

	Такрор госпитализация	Такрор НФ	Такрор ФМИ	Тўсатдан ўлим	Ўлим
ФС I	2	1	-		
ФС II	12	6	1		1
ФС III	14	11	6	3	9
Arg389Arg	8	-	-		
Arg389Gly	16	12	2	1	3
Gly389Gly	4	6	5	2	7

Тадқиқот натижалари кўрсатдики, такрор госпитализация ADRB1 гени Arg389 Gly полиморфизмининг Arg/Gly генотибли беморларда кўпроқ учради, аммо такрор фатал МИ, тўсатдан ўлим ва ўлим кўрсаткичлари Gly/Gly генотипда кўпроқ учради.

Шундай қилиб, СЮЕ мавжуд бўлган беморларда нейрогуморал бузилишлар НА миқдори ошиши, аденилатциклаз тизим фаоллиги сусайиши билан характерланди ва бу омиллар ўз таъсирини амалга оширувчи beta1 адренорецепторларнинг ADRB1 генининг “шикастловчи” 389Gly аллели ва

Arg/Gly генотиби учраши СЮЕ ривожланишини, ҳамда Gly/Gly генотипининг мавжудлиги эса беморларда нохуш клиник-прогностик ҳолатни эрта аниқлайди.

ХУЛОСА

«Сурункали юрак етишмовчилиги билан хасталанган беморларда нейрогуморал бузилишлар ва бета-адренорецепторлар гени полиморфизмининг клиник-прогностик хусусиятлари» фалсафа доктори диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. СЮЕ бор беморларда САТ гиперфаоллашуви норадреналин миқдорининг ошиши, аденилатциклаз тизими десентитизациясининг ортиши билан характерланади ва бу жараён касаллик клиник кечиши оғирлигини, жисмоний юкламага толерантлик даражасини белгилаб беради. Корреляцион таҳлил ўтказилганида аниқланишича, норадреналин миқдори ва ОЮС кўрсаткичлари орасида тескари корреляцион боғлиқлик ($r = -0,70$) ва КХБШ орасида тўғри корреляцион боғлиқлик ($r = 0,69$) билан изоҳланади.

2. СЮЕли беморларда миокард ЧҚда ремоделланиш жараёнлари юрак қисқарувчанлиги пасайиши билан кечиши нейрогуморал омиллар кўрсаткичлари билан ассоциацияланди: ЧҚ қисқарувчанлиги қобиляти пасайган беморларда (ЧҚ ОФ < 40%) ЧҚнинг систолик функцияси сақланган беморлар (ЧҚ ОФ $\geq 50\%$) гуруҳига нисбатан, НА миқдорининг ишончли даражада юқорилиги ($1184,1 \pm 23,64$ пг/мл) ва аденилациклаза кўрсаткичлари ишончли тарзда паст ($3,3 \pm 0,12$ пмоль/мг/мин) эканлиги аниқланди, ҳамда НА билан ОФ ($r = -0,70$), ЯДЎ, ЯДХ ($r = 0,49$; $r = 0,53$) корреляцион боғлиқ.

3. СЮЕда НА ва аденилатциклаз тизими ҳолатини ўрганиш касаллик клиник кечиши ва прогностни эрта аниқловчи диагностик услуб сифатида муҳим аҳамиятга эга ва бу кўрсаткичлардан НА миқдорининг юқори бўлиши СЮЕнинг зўрайиб бориши ва нохуш прогностининг - такрор госпитализация ва такрор фатал миокард инфаркти, тўсатдан ўлим предикторлари ҳисобланади. Ушбу кўрсаткичларнинг юқори даражаси НА фаоллиги ошган II ва III ФС беморларида кузатилади.

4. Ўзбек миллатига мансуб шахсларда ADRB1 генининг Arg389Gly аллелларини ташиб юриш учраши кўлами қуйидагича аниқланди: Arg - аллеллари 80,6%, Gly - аллеллари 19,4%. ADRB1 гени Arg389Gly генотипларининг учраши тақсимооти Arg/Arg генотибида 62,3% ни ва Arg/Gly генотибида 31,2% ни ташкил қилади.

5. Ўзбек миллатига мансуб СЮЕ бор беморларда эса ADRB1 генининг Arg389 Gly аллелларини ташиб юриш учраши кўлами қуйидагича аниқланди: Arg - аллеллари 78,9%, Gly - аллеллари 21,1%. Генотиплар эса қуйидагича тақсимланди: Arg/Arg генотиби 62,3% беморларда ва Arg/Gly генотиби 33,1% беморларда учради. Ўзбек миллатига мансуб СЮЕ бор беморларда ADRB1 генининг Arg389Gly полиморфизмида Arg/Gly генотипининг мавжудлиги СЮЕ ривожланиши билан боғлиқ ва Gly/Gly генотип учраши касаллик нохуш прогностидан далолат беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Tib.31.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ
УСОВЕРШЕСТВОВАНИЯ ВРАЧЕЙ**

ТАШКЕНТСКАЯ МЕДИЦИНСКАЯ АКАДЕМИЯ

АЛИЕВА ТОХИРАХОН АВАЗХОНОВНА

**КЛИНИКО-ПРОГНОСТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ
НЕЙРОГУМОРАЛЬНЫХ НАРУШЕНИЙ И ПОЛИМОРФИЗМА ГЕНА
БЕТА-АДРЕНОРЕЦЕПТОРОВ У БОЛЬНЫХ ХРОНИЧЕСКОЙ
СЕРДЕЧНОЙ НЕДОСТАТОЧНОСТЬЮ**

14.00.06 – Кардиология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2017

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2017.1.PhD/Tib3

Диссертация выполнена в Ташкентской медицинской академии.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский) размещен на веб-странице по адресу www.tipme.uz и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyo.net.

Научный руководитель:

Камилова Умида Кабировна
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты:

Каюмов Улугбек Каримович
доктор медицинских наук, профессор

Хамидуллаева Гулноз Абдусатторовна
доктор медицинских наук

Ведущая организация:

Андижанский Государственный медицинский институт

Защита диссертации состоится «__»2017 г. в _____ часов на заседании научного совета 16.07.2013.Tib.19.01 при Ташкентском институте усовершенствования врачей. (Адрес: 100007, г. Ташкент, Мирзо-Улугбекский район, ул. Паркентская, 51. Тел./Факс: (+99871) 268-17-44, e-mail: info@tipme.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института усовершенствования врачей (зарегистрирована за № ____). Адрес: 100007, г. Ташкент, Мирзо-Улугбекский район, ул. Паркентская, 51 дом. Тел.: (+99871) 268-17-44).

Автореферат диссертации разослан «_____» _____2017 года.
(реестр протокола рассылки ____от «_____» _____2017 года).

Х.А. Акилов

Председатель научного совета по присуждению
учёных степеней, д.м.н., профессор

Н.Н. Убайдуллаева

Ученый секретарь научного совета по присуждению
учёных степеней, д.м.н., доцент

Р.Д. Курбанов

Председатель научного семинара при научном совете
по присуждению учёных степеней, д.м.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии)

Актуальность и востребованность темы диссертации. По данным Всемирной организации здравоохранения (ВОЗ), самое распространённое и приводящее к неблагоприятным исходам заболевание - хроническая сердечная недостаточность (ХСН), превращается в одну из глобальных медицинских проблем. По результатам Фремингемского исследования каждые 10 лет заболевание увеличивается в 2 раза и характеризуется резким ухудшением качества жизни больных, 4 кратным повышением внезапной смерти. «Ущерб от данного заболевания связан не только увеличением числа госпитализаций и повышением затрат на лекарственные средства, но еще определяется потерей трудоспособности больных. В связи с этим, разработка национальных программ по профилактике и лечению сердечно-сосудистых заболеваний и их внедрение в практику во всем мире имеет большое значение»¹.

С первых дней независимости в нашей Республике проводятся широко-масштабные меры по охране здоровья людей, по организации оказания качественной медицинской помощи. Достигнуты положительные научные и практические успехи в улучшении здоровья населения в профилактике заболеваний сердечно-сосудистой системы путем раннего выявления факторов риска, внедрения персонализированного подхода, высокотехнологичных методов в их лечении, в том числе, в ранней диагностике, прогнозировании прогрессирования, профилактике и эффективного лечения ХСН.

Разработка эффективных мер по ранней диагностике развития ХСН и прогноза прогрессирования заболевания, ее профилактики является одной и наиболее важных задач медицины во всём мире. В патогенезе развития ХСН наряду с нейрогуморальными факторами уделяется большое внимание полиморфизму гена β -адренорецепторов и требуется оптимизация ранней диагностики, лечения и прогнозирования заболевания. Определено, что у больных ХСН определение роли полиморфизма гена Arg389Gly β 1-адренорецепторов (ADRB1) имеет отдельное значение в ранней диагностике и прогнозировании данного заболевания. Важными задачами является ведение комплексных исследований направленных, на выявление взаимосвязи процессов ремоделирования сердца с нейрогуморальными и генетическими факторами, а также усовершенствование критериев ранней диагностики нарушений, развивающихся при ХСН, считается одним из актуальных задач на сегодняшний день.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит

¹ Арутюнов А.Г., Драгунов Д.О., Арутюнов Г.П. и др. Влияние основных факторов риска у пациентов на прогноз при декомпенсации сердечной недостаточности // Кардиология. -2014.- №12.-С. 37-43; Ambrosy A.P. The global health and economic burden of hospitalizations for heart failure: lessons learned from hospitalized heart failure registries // J. Am. Coll. Cardiol. - 2014. -Vol.63. -P.1123–1133 .

для выполнения задач отмеченных Указом Президента Республики Узбекистан №УП–3923 «Об основных направлениях дальнейшего углубления реформ и реализации Государственной программы развития здравоохранения» от 19 сентября 2007 года, Постановлением Президента Республики Узбекистан №ПП– 1652 «О мерах по дальнейшему углублению реформирования системы здравоохранения» от 28 ноября 2011 года, Постановлением Президента Республики Узбекистан №ПП-3071 «О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017-2021 годы» от 20 июня 2017 года и в других нормативно-правовых документах.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики Узбекистан VI «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. По проблеме ХСН выполнены научные работы рядом зарубежных ученых (Е.К.Theofilogiannakos, С.М.О'Connor, Т.Насин, Ф.Т.Агеев). Несмотря на многочисленные исследования, посвященных проблеме ХСН, ряд вопросов о патогенезе, диагностике и лечении ХСН не нашли решения. Это связано, с одной стороны недостаточной изученностью механизмов формирования ХСН, с другой объективными трудностями и ее диагностики на ранних этапах (С.А.Мас Рае, Г.П.Арутюнов)

По мнению ведущих ученых-специалистов (Т.Г.Yandle, R.W.Troughton, F.Tripodiadis, G.Karayannis, Ю.Н.Беленков) недостаточно освещены патогенетические аспекты причин хронической активизации симпатoadреналовой системы (САС), оптимизирующие развитие адренергического дисбаланса в механизме развития ХСН. Не определена взаимосвязь нейрогуморальных факторов (D.Y.Zhang, A.S.Anderson) и сердечно-сосудистого ремоделирования при развитии ХСН (W.H.Gaasch, D.E.Delorey). Требуется дальнейшего углубленного изучения и роль полиморфизма ответственных генов с целью прогнозирования развития и ранней диагностики ХСН (K.Gherbi, L.T.May). По мнению В.Ю.Мареева, Ю.Н.Беленкова, рекомендуется проведение прогнозирования развития, ранней диагностики и комплексного лечения ХСН в широкой медицинской практике, применение современных методов выявления факторов риска и профилактических образовательных программ.

В нашей республике по проблеме ХСН ведут научные исследования Р.Д.Курбанов, А.Г.Гадаев, Т.А.Абдуллаев, У.К.Камилова и др.

Как показывает анализ исследований, на сегодняшний день недостаточно изучены аспекты молекулярно-генетических механизмов развития ХСН, прогнозирования течения и оценка риска развития заболевания, лечения и реабилитации.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где

выполнена диссертация. Диссертационное исследование проводилось в рамках проекта по теме «Изучение новых путей повышения эффективности диагностики и лечения внутренних заболеваний. Рациональные пути профилактики» соответственно плану научно-исследовательских работ №011100158 Ташкентской медицинской академии.

